O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DEPOZIT KITOBXONASI
INV. 181200

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 14 DEKABR PAYSHANBA № 145 (26.695)

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ЯНГИ АСР – ЯНГИ ЙИЛДАН НИМАЛАРНИ КУТАЯПСИЗ?

Биз XXI асрга ёруғ юз билан пешвоз чиқаяпмиз. Бизга XXI асрни озод қарши олиш насиб этди.

Янги асрни бутун миллат бўлиб, халқ бўлиб, ҳур ва эркин қаршилашнинг моҳиятини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Қорнингга эмас, қадрингга йиғла, деб шу кунларни зор-зор кутиб ёвузлик ҳамласидан қурбон бўлган боболар етолмаган кунлар бу!

Елкамиздаги қуллик тоғини ағдариб ташладик... Тўғри, озодликнинг дастлабки йиллари бизга осон кечмади — қийналдик. Бироқ, Юртбошимиз даъвати билан дадил одимладик — йўлдан адашмадик.

Биз бинолар қурдик — юрт обод.

Биз китоблар ёздик — маърифат нури Ватанни чароғон этди.

Бизнинг йўлимизга ғов бўлгувчи ғанимлар таҳдидидан чўчимадик — итлар ҳураверди, карвонимиз эса ўтаверди.

Ва... Аср сўнггида Ўзбекистон тўла маънода кучга тўлди, ўзини тиклаб олди.

Юртнинг эртасини ўйлаган одамнинг дилидан эса шундай гаплар кечади:

Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон халқ артисти:

— Йигирманчи асрнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида Халқаро театр куни арафасида эълон қилинган муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ўзбек миллий театр санъатининг XXI асрдаги истиқболини белгилаб берди, дейишга ҳақлимиз.

XXI аср миллий театр санъатимизнинг обрў-эътиборини, шуҳратини дунёга ёяди. Бу аср халқимизга ўзининг янги Уйғурлари, Аброру Сорахонлари, Шукур Бурҳонларию Наби Раҳимларини беришига имоним комил.

Келаётган йил ҳам ўзбек миллий театри халқимиз маънавий ҳаётининг энг ажралмас қисми бўлиб қолсин, иншооллоҳ.

Динора АЛИЕВА, Тошкент шаҳридаги 185-мактаб ўқувчиси:

— 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб аталди. Менинг ниятим, барча оналар омон бўлишсин.

Телевизорда хорижда ўқиётган опа-акаларимни кўриб ҳавасим келади. Боболаримиз кўрган қийинчиликни биз кўрмайлик. XXI аср барча тенгдошларимиз учун муваффақиятли келади, деб ўйлайман.

Турсунхон ХУДОЙБЕРГАНОВ, Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги:

— Қатъиятли ва интизомли, иродаси мустаҳкам Ватан посбонлари улуғ диёримиз ҳимоясида қалқон бўлиб туроладилар. Кечаётган давр, турли хил ҳолатлар юрт ҳимоячилари бўлмиш ички ишлар ходимлари зиммасига юксак масъулият юклади. Қисқа вақт мобайнида ҳарбий дала машқларида чиниққан, сара йигитларимизнинг шижоати, шашти юртимизга ғанимлик қилишни ният этганларнинг хом хаёлини чиппакка чиқариб ташлайди. Мен мазкур соҳа одами сифатида айтишим мумкин, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлади. Энг муҳими, сергаклик ва ҳушёрлик ҳар биримизнинг қалб даъватимизга айланди.

XXI аср юртимиз учун тараққиёт ва ўсиш асри бўлади.

Мастура САЙФУТДИНОВА, Қува туманидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбари:

— Қийинчиликлар ортда қолди. Халқимизнинг эртамиздан умиди катта. Одамларда ишонч бор. Энди дўконда нима бор, нима йўқ, деб фикрлаш жараёни аллақачон изимизда қолиб кетди, бу ҳақда гапириш ҳам кулгили туюлаяпти. Янги асрда Ўзбекистон дунё саҳнасида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаб олади. Буни англаш учун бундан 8-9 йил аввалги кунларни бир эсга олиш кифоя.

XXI аср ўзбекистонликлар учун ишонч асри, қадр-қиммати юксалган аср бўлиб қолади.

Тохиржон ИСМАТУЛЛАЕВ, Уйчи туманидаги А. Мўминов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:

— 9 йил ичида юртимизни нафақат дунё таниди, балки тан олди ҳам. Ҳар соҳада туб ислоҳотларни амалга оширдик. Ўзимизни ўнглаб олдик. Йўлимизни топдик. Худо хоҳласа келаётган асрда Ўзбекистон дунёнинг энг тараққий этган давлатлари сафида туради. Бунга бизнинг имкониятларимиз бор. Юртимиз заминининг бойликлари беҳисоб.

XXI аср иқтисодий жиҳатдан юксалиш асри бўлади.

Шункор ЖЎРАЕВ, Денов тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги:

— Келаётган аср ёшлар, келажак учун янада кенг имкониятларни очиб беради. Маърифат, тафаккур асридир бу аср. Давлатимиз мисли кўрилмаган даражада илм-фан сари юзланади. Чунки, бу йўналишга аллақачон замин тайёрланган, асос бор.

■ Қўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТУРНИРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

9-17 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Юнусобод» спорт саройида Ўзбекистон Республикаси «Президенти кубоги» анъанавий теннис турнири еттинчи бор зўр муваффақият билан ўтказилган эди. Жаҳоннинг номдор теннисчилари қатнашган ушбу мусобақа ташкилий жиҳатларининг мукаммаллиги, қизиқишнинг зўрлиги билан алоҳида ажралиб турди. «Президент кубоги» баҳслари дунёнинг ўнлаб мамлакатларига телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди.

«Президент кубоги»нинг нуфузи 2000 йилги турниргача ҳам жаҳонда тан олиниб бўлган эди. Хусусан, 1999 йилда ўтказилган мусобақа АТП Турнинг «Устунлиги учун мукофот»ига муносиб кўрилганди. Шунинг учун, АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзнинг жорий йилдаги мусобақаларда шахсан иштирок этиш учун Тошкентга келгани бежиз эмас.

Ушбу ташриф чоғида Марк Майлз Президент Ислом Каримов қабулида бўлган эди. Куни кеча Марк Майлздан Президент Ислом Каримов номига қуйидаги мактуб келди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент,

Яқинда Тошкентга ташриф буюрган чоғимда кўрсатган илиқ меҳмондўстлигингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур айтмоқчиман.

АТП Тур гуруҳи ҳар йили маълум миқдордаги турнирларни «Устунлиги учун мукофот» билан тақдирлайди. Бу АТП Тур турнирларининг маълум тоифада кўрсатган устунлиги учун бериладиган йиллик мукофотдир.

Сизга АТП Турнинг «Президент кубоги» турнири иккинчи бор «Устунлиги учун мукофот»га сазовор бўлганини маълум қилиш менга мамнуният бахш этади. Алоҳида таъкидлаш керакки, 2001 йил бўсағасида Тошкентга ушбу мукофот томошабинлар сони ортгани учун муносиб кўрилди.

Сизга АТП Турни қўллаб-қувватлаётганингиз ва Марказий Осиёда теннисни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Энг эзгу тилаклар билан

Марк МАЙЛЗ,
АТП Тур ижрочи директори

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 14 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ВАЗИРЛИК ТУҲФАСИ

Республика Маданият ишлари вазирлиги Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртига Японияннинг машҳур «Ямаха» фирмаси тамғаси билан ишлаб чиқарилган энг замонавий овоз ёзиш студиясини совға қилди. 20 минг АҚШ доллари турадиган овоз кучайтиргичлар, энг мукаммал магнитофон ва бошқа техника воситаларидан иборат бу студия билим юрти талабалари учун жуда асқотади. Бундан ташқари вазирлик шарофати билан билим юрти Германиянинг «Вальтмейсрт» фирмасида ишлаб чиқарилган бир неча аккордеон, баянга ҳам ёлчишди.

■ Даврон БАҲРОНОВ

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

2000 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессияси муносабати билан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ХДПнинг парламентдаги вакилларига, сессиянинг таклиф қилинаётган кун тартибини, шунингдек, муҳокамага чиқарилаётган қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш, улар юзасидан, Ўзбекистон ХДП фракциясининг умумий нуқтаи назарини парламентнинг барча депутатлари эътиборига етказиш ҳамда уни Олий Мажлис сессиясида изчил ҳимоя қилишни тавсия этди.

НУҚТАИ НАЗАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 12 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари, мамлакат парламенти IV сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан, ўз нуқтаи назарларини шакллантириш мақсадида, партия Марказий Кенгашига йиғилдилар.

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан, унинг Олий Мажлисдаги фракцияси қатор аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, ҳуқуқшуносслар иштирокида, парламент кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар муҳокамасига бағишланган, қатор «давра суҳбатлари» ташкил этилиб, уларда, сессияда кўрилажак ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Улар фракция мажлиси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Фракция раиси И. Кочмарик ва депутатлар Ж. Сайфуддинов (189-сайлов округи), Г. Йўлдошева (103-сайлов округи), М. Мамажонов (201-сайлов округи), И. Бойжонов (203-сайлов округи), Н. Зайниев (227-сайлов округи) сўзга чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Олий Мажлис тўртинчи сессиясининг таклиф этилган кун тартибини, шунингдек, унга киритилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги тавсиясини маъқуллаб, шу билан бирга, айрим ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан, баъзи таклифларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Мамаризо Нурмуродов, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий кўрсаткич ва тамойиллари тўғрисида ахборот бердилар.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари фракция томонидан ишлаб чиқилган умумий нуқтаи назарни сессияда изчил ифода ва ҳимоя қилиш ҳамда унинг ишини юқори савияда ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшишга келишиб олдилар.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Суратларда: ЎзХДП фракцияси йиғилишидан лавҳалар.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МАРКАЗИ

Учинчи минг йилликнинг биринчи йили Президентимиз ташаббуси билан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Наманганда бу воқеа ўзининг амалий тасдиғини топди.

Вилоятда оналар ва болалар Скрининг маркази иш бошлади. Гап шундаки, энди туғма ногиронликнинг олди олинади. Ҳомила уч ойлигидаёқ текширувдан ўтказилади. Онага зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Бунинг учун марказга 130 минг АҚШ доллари миқдоридаги энг замонавий тиббиёт ускуналари, жумладан, «Дельфия» ташхис аппарати ўрнатилди.

Марказ наинки Наманган шаҳрида, балки бутун вилоят туманларида яшовчи оналар ва болаларга хизмат кўрсатиш имкониятига эгадир.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Скрининг маркази фаолиятидан лавҳалар

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЛУКМА

КАТТАҚЎРҒОНДА «СПОРТЛОТТО» 120 СЎМ ЭКАН

Ўтган якшанбада Каттақўрғонга бордим. Қайтишда автобекат яқинидаги «Спортлотто» ёзувига кўзим тушиб, бир дона олдим-да, керакли рақамларни ўчириб 100 сўм билан бирга узатдим.

— 120 сўм бўлади, — деди қабул қилувчи йигит.

— Нега? 100 сўм эмасми? — ҳайрон бўлдим.

— Бизда 120 сўм! — қатъий жавоб берди ёнидаги аёл.

— Кечирасиз, — дедим. — Ахир, «Спортлотто»нинг бир донаси 100 сўмку! Сизларни тушунолмаяпман.

— Нега тушунмайсиз? Арендага ҳам тўлаймиз. Ўзингиз кимсиз? Текширувчи бўлсангиз, ҳужжатингизни кўрсатинг.

— Оддий фуқароман.

— Унда кетинг, — деди ҳалиги йигит овозини баландлатиб.

— 20 сўм ортиқча пул сўраётибсиз. Бунинг учун шу ерда кимдир жавоб бериши керак. Фамилиянгизни билсак бўладими?

— Раҳмоновман. Етадими?!

Шу пайт орқа тарафдан келган овозни эшитиб ўгирилдим. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, қаршимда аёл киши турарди.

— Раҳмоноваман. Бу ер учун мен жавоб бераман, — дея дарров «ҳужум»га ўтди ҳалиги аёл.

— Ахир, булар ортиқча пул сўрашяпти, — дедим.

— Э, ука, кўринишдан бинойидек йигитга ўхшайсиз. Галстугингиз ҳам бор экан. Эркак кишига 20 сўм ҳам пулми? Бунинг устига рўза кунлари 20 сўмга талашиб ўтирибсиз, уялмайсизми?

Дарвоқе, Рамазон кунлари бўлгани учун ортиқча гап-сўз қилмадим. Лекин Раҳмонованинг шу муборак кунларда уялмай... ҳар дона «Спортлотто» учун 20 сўм ортиқча пул олишини қандай тушуниш керак? Бу иш ўзлари учун ҳам гуноҳ эмасми?! Ахир, рўза бировга хиёнат қилмай, ҳақидан юлмай покланиш дегани-ку! Қонуннинг эса ўз йўл-йўриғи бор.

Тошкентга қайтгач, Ўзбекистон — Греция «Спортлотто» қўшма корхонаси бош директори Турғун Эргашев билан телефон орқали боғланиб, мазкур воқеани айтдим.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди бош директор. — Буни аниқлаймиз.

Эртасига яна Турғун Эргашев билан гаплашдим.

— Суриштирдим, — деди у. — Каттақўрғонда сиз айтган фамилиядаги агентимиз йўқ экан. Бироқ Чилонзордаги одамимиз «машина»сини нимагадир каттақўрғонлик Раҳмоновага бериб юборган экан. Чилонзорлик агентимизни чақиргандмиз. У билан гаплашамиз. 120 сўмдан сотиши жуда хунук иш бўлибди. Чорасини кўрамиз.

Ҳақиқатан ҳам хунук. Миллионлар севган «Спортлотто» ўйини шаънига бу яхши эмас. Каттақўрғонлик опамизнинг 20 сўм «устама»си ҳар қалай тегишли баҳосини олар?!

■ Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

Нуқтаи назарлар, фикрлар хилма-хиллигига асосланган кўп партиялилик мамлакатимизда конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, сиёсий, миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлаш, иқтисодий равнақ йўлига ўтишда етакчи омилга айланиб бормоқда. Республика парламентида юзага келган фракциячилик ҳаракати бу жараёнга тобора жўшқинлик бағишламоқда.

— Мамлакатимиз Олий Мажлисида бизнинг партиямиз 50 ўринга эга, — ***деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик.*** *— Бу миқдор жиҳатидан йирик фракциялардан бирини тузишимизга имкон берди. Биз парламентнинг қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларни такомиллаштириб боришда фракциямизнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга киришдик.*

Учинчи сессияга тайёргарлик жараёнида экспертларимиз фракциянинг кўпгина аъзолари иштирокида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонун лойиҳаларининг умумҳалқ муҳокамаси тўғрисида», «Тероризмга қарши кураш тўғрисида», «Судлар тўғрисида» сингари бир қатор Қонун лойиҳаларини моддама-модда, ҳар томонлама ва чуқур ишлаб чиқишди. Сессия арафасида эса фракция мажлисида муфассал муҳокама қилиниб, маъқуллангач, улар расман тегишли қўмиталарга юборилди. Лойиҳалар биринчи ўқишда қабул қилиниб, кенг муҳокама қилиш учун матбуотда чоп этилди.

Бу ва бошқа қонун лойиҳалари Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясига иккинчи ўқишда киритиляпти. Улар давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ғоят муҳим муаммоларига дахлдор. Партиямизнинг Дастурида эса бу муаммолар юзасидан жиддий нуқтаи назарлар баён этилган. Биз учун мамлакатнинг бюджет тизимидаги амалиёт масаласи шундай муаммолардан биридир. Бу ўринда фракциямиз икки муҳим масалага алоҳида эътиборни қаратмоқда.

Биринчидан, бюджет тўловларида интизомни мустаҳкамлаш зарур. Буни асло унутмаган ҳолда, биз, айни вақтда, бюджет тўловларининг ортиб боришига мавжуд солиқ ставкаларини ошириш ва янгиларини жорий этиш йўли билан эмас, балки ҳуқуқий шахсларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини кучайтириш ва хусусий тадбиркорликни фаоллаштириш орқали эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Кейинги вақтда ҳуқуқий шахслардан ундириладиган солиқ ставкаларини камайтириш тамойили кузатиляпти. Уни қўллаб-қувватлаган ҳолда, биз аҳолининг бевосита ва билвосита солиқ тўловлари даражасини ҳам камайиш тамойили юз беришига қатъият билан эриша бориш ниятидамиз.

Иккинчидан, биз халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш даражасига бевосита дахлдор бошқа бир қатор соҳаларнинг бюджетдан тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш бюджет чиқим қисмини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаси бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳеч бир ҳолатда бу тармоқлар бюджет чиқимларини тежаш объектига айлантирилмаслиги лозим.

2001 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш чоғида масалага айни шу нуқтаи назардан ёндашдик. Вазирлар Маҳкамаси тайёрлаган бу лойиҳа Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмитасида яқинда кўриб чиқилишидан аввал биз ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни тақдим этдик. Уларнинг бир қисми ҳисобга олинди. Қолганлари юзасидан кенгайтирилган таклифларимизни фракция номидан парламентнинг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этамиз.

— Жамоатчиликда бизнинг фракциялар ниҳоятда осойишта ҳаёт кечирадилар, деган тасаввур йўқ эмас. Балки, аслида бундай эмасдир?

— Дангал айтиб қўя қолай: аввало, муайян оммавий ахборот воситаларимиз шундай фикрда. Телевидение, радио, бир қатор етакчи газеталаримизнинг мухбирлари фракциялар амалга ошираётган тадбирларда онда-сонда қатнашишади.

Бирорта топшириқ бўлгандагина улар партия фракциялари фаолиятига, умуман, партия мавзуига «эътиборли» бўлиб қолишади. Биргина мисол: 28 ноябрда фракциямиз «Қонун яратувчилик фаолияти механизмлари ва уларда сиёсий партиялар фракцияларининг иштироки» мавзуида «Давра суҳбати» ўтказди. Олий Мажлис ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, таниқли олимлар, ҳуқуқшуносларимиз манфаатдорлик туйғуси билан жонли, ниҳоятда фойдали фикрлар билдиришди. Биз олдиндан телевидениени хабардор қилиб қўйдик, бу тадбирни ёритиш учун мухбир таклиф қилдик. Афсуски, таклифимиз эътиборсиз қолдирилди.

Мен бошқа сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятига баҳо бермоқчи эмасман. Биз, муайян даражада, бир-биримизга муҳолиф кучлармиз. Бинобарин, уларнинг фаолияти юзасидан мулоҳазалар билдириш парламент одоби қоидаларига мос келмайди.

Фаолиятимизнинг ҳозирги даражаси бизни қониқтирмаётганини айтмоқчиман. Биз фаол ва энг муҳими, натижали парламент фаолиятини олиб бориш учун тасарруфимиздаги салоҳиятни тўла намоён эта олмаяпмиз.

Шу ўринда, албатта, қонун яратувчилик механизмининг ўзи ҳали мукаммал эмаслиги ҳақида гапириш мумкин. Сиёсий партиялар фракциялари фаолиятининг қонунчилик замири ҳам маромига етмаган баъзи жиҳатлардан холи эмас. Амалдаги қонунларда назарда тутилган меъёрлардан яхшироқ фойдаланишни эса, тезроқ ўрганиб олишимиз керак. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, вазирларга, давлатнинг бошқа идоралари раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган. Фракциямиз бундан буён ундан кенг фойдаланиш ниятида.

Ва, ниҳоят, биз ўз нуқтаи назарларимизни бевосита сессияларда қатъият билан ҳимоя қилишни ўрганиб олишимиз лозим. Масалан, Олий Мажлис иш тартибида сессияларда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига депутатлар киритган ҳар бир тузатиш овозга қўйилиши назарда тутилган. Шу жараёнда, депутат, агар у қонун лойиҳаси юзасидан маърузачи қўмита нуқтаи назарига рози бўлмаса, ўзи киритган таклифни асослаб сўзга чиқиши мумкин.

Биз бу ҳуқуқларнинг барчасига эгамиз. Парламентдаги фаолият борасидаги тажрибамиз ортгани сари улардан тобора самарали фойдаланиб бораверамиз.

— Навбатдаги савол охирги фикрингизни мантикан давом эттиришингизни тақозо қилади. Сиз бизнинг Парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларини хорижники билан ҳеч қиёслаб кўрганмисиз?

— Бизнинг парламентчилигимизга, аввало, ёш етишмайди. Европа парламентчилиги бир неча асрлар мобайнида таркиб топган. Америка қитъасида парламентчилик шакллана бошлаганига икки юз йилдан ошди. Айтайлик, олти ёшли гўдақдан соч-соқоли оппоқ донишмандлар билан тенгма-тенг беллашмоқни талаб қилиб бўлмайди, албатта.Европа парламентчилигида сиёсий партияларнинг фракциялари аллақачон вакиллик демократиясини амалга оширишнинг асосий бўғини вазифасини бажара бошлаган. Биз бўлсак, сиёсий партияларнинг фракциялари Олий Мажлиснинг асосий ташкилий-муассасавий таркибига айланиши кераклигини энди-энди тушуниб етмоқдамиз.

Айтайлик, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида депутатларнинг биз юқорида тўхталиб ўтган асосли, қатъий ва принципиал нуқтаи назарларини таъминлаш Парламент фракцияларининг иши ва уларнинг Парламентнинг ўзидаги ўрни ва аҳамиятининг таъсирчанлигини ошириш омилларидан бири, холос.

Парламентнинг қонун яратувчилик механизмини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим. Менимча, унда Конституциямиз ва Олий Мажлис тўғрисидаги Қонунга биноан қонун яратувчилик ҳуқуқига эга бўлган депутатларнинг таклифлари билан ишлашда ниҳоятда аниқлик ва конкретликни назарда тутиш зарур. Бундай ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши, табиий равишда, қонун яратувчилик тартибида депутатлардан тушаётган таклифлар сессияда овозга қўйилиши зарурлигини ва фақат унинг натижаларига кўра ё қабул қилиниши, ё рад этилишини назарда тутади.

Бундай тартиб асло ғайритабиий бўлмай, балки, Парламент демократияси ривожланган мамлакатларда орттирилган тажрибага тамомила мос. Масалан, ГФР бундестагида мавжуд тартибга кўра, депутатнинг сиёсий партиялар фракцияларидан бири томонидан қўллаб-қувватланган таклифи сессия кун тартибига киритилади.

Олий Мажлис қўмиталари томонидан қонун лойиҳаларини сессияга тақдим этишнинг мавжуд тартибини ҳам такомиллаштириш таъминланиши тўғри бўлур эди. Бизнингча, Олий Мажлис қўмитаси киритилаётган қонун лойиҳаси хусусида сессияга маъруза қилаётиб, депутатлардан қандай таклифлар тушганлиги ва улар сессияга тақдим этилаётган қонун лойиҳасида қандай даражада эътиборга олинганлигини аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Ўйлайманки, Парламент фракциялари ва блокларининг, шунингдек, алоҳида депутатларнинг мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олишнинг шундай механизми ҳаракатга келтирилиб, такомиллаштириб борилса, сиёсий партиялар Парламент фракцияларининг фаолиятсизлиги ёки бўшанглиги хусусидаги гап-сўзлар барҳам топиб боради.

Буларнинг ҳаммаси қилса бўладиган ишлар. Ҳозирги босқичда, иккинчи чақириқ Олий Мажлис, умуман, Парламент фаолиятини, хусусан, сиёсий партияларнинг Парламентдаги фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш борасида қиладиган катта ишларнинг натижаларини кутиб ўтирмасданоқ фаолият самарадорлигини ошириш мумкин.

■ **Суҳбатдош: Жўра САЪДУЛЛАЕВ**

(«Халқ сўзи»нинг 12 декабрь сонидан олинди.)

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ҲАҚИҚАТПАРВАР ЖУРНАЛИСТЛАРГА РАҲМАТ!

24 октябрь куни «Ўзбекистон овози» газетасида Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари, милиция майори Суюнов Нуриддин ва милиция кичик лейтенанти Юлдошев Ўролларга нисбатан Қарши шаҳар прокуратураси томонидан қўзғатилиб, 2 йил мобайнида сансалорликка солиниб келинаётган жиноят иши бўйича «Одил суд айбсизни оқласа ёмонми!» сарлавҳали мақола чоп этилган эди.

Шаҳар ҳудудида фуқароларнинг осойишталигини таъминлашда, содир этилган жиноятларни фош этишда фаол иштирок этиб келган, кўпчилик ёш ходимларга ўз иш тажрибасини ўргатиб, ҳалол ва виждонан ишлаб келаётган бу иккала ходимга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича адолатни қарор топтиришга ҳаракат қилувчи ҳақиқатпарвар журналистлар борлиги биз шаҳар ички ишлар бўлими ходимларини руҳлантириб юборди.

Ҳурматли «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти! Сизларнинг ҳақиқатни қарор топтиришга ҳаракат қилиб чиқарган мақолангиз учун Қарши шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркиби чуқур миннатдорчилик билдиради.

■ **Қарши шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркиби**

СЕССИЯОЛДИ ИНТЕРВЬЮСИ

Бугун навбатдаги сессия бошланади. Депутатларимиз бу гал ҳам ҳаётимиз учун зарур бўлган ҳужжатларни муҳокама қилишади. Муҳим қонунларни ёқлаб овоз беришади. Куни кеча ЎзХДП Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессияси муносабати билан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ҳақида»ги масалага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йил якунлари, келажак режалари ва сессия кун тартибидаги масалалар хусусида Олий Мажлис депутатларини суҳбатга тортдик.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОНАЛАР ҲИМОЯСИДИР

Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Республика касаба уюшмалари Федерацияси раиси

2001 йилнинг оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги ниҳоятда қувонарли. Биз Ватан олдидаги хизмат бурчини ўтаб қайтган азиз ўғилларимизни иш билан таъминлаш, уларни қонун томонидан ҳимоялаш масалаларини кўтариб чиқмоқчимиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Давлатимиз томонидан аёлларимизга жуда кўп имтиёзлар берилган. Бироқ бахтга қарши қишлоқда яшовчи соддадил онахонларимизнинг кўпчилиги бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Биз масаланинг шу жиҳатларини ҳам изчил назорат қилишни режалаштириб турибмиз. Ижтимоий таъминот ва нафақа масалаларида ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларимиз бор.

МАСЪУЛИЯТ КАТТА

Ўрол ЧЎТБОЕВ,
Бандихон тумани ҳокими

— Кундалик турмуш ҳар бир раҳбар олдига ечилиши керак бўлган жиддий муаммоларни қўяётир. Туманимизда ечимталаб масалалар кўп. Уларни вақтида ва жойида ҳал қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ўта муҳим. Тиббиётга янгиликларни жорий этиш, қурилишда бурилиш ясаш, маорифга муносабатни тубдан яхшилаш даркор. Коллеж-лицейлар қурилиши бугунги талаб. Туманда 25та мактаб бор. Ўқувчилар меҳнат қилиб ўзлари деҳқончилик қилишлари учун 36 гектар ер ажратиб берилди. Раҳбар ва депутат сифатида бу соҳа доимий эътиборимда. Халқ вакили сифатида парламентимизда мазкур тармоқларга оид қонун ҳужжатлари қабул қилишда уларнинг манфаатини кўзлашни бурчим, деб биламан.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбирлари Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, Саида БОНУ, Равшан ОМОНОВлар суҳбатлашди**

ЯНГИ ЙИЛНИНГ БИСМИЛЛОСИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги юз йилликнинг, янги минг йилликнинг она ва боладан бошланиши ниҳоятда рамзий маъно касб этади. Чунки улар ҳаётимизнинг асосчиларидир. Она — ҳаётни юзага келтиради. Фарзанд — уни давом эттириб оёққа туради. XX асрнинг инсоният учун энг буюк мўъжизаси инсоннинг коинотни забт этиши бўлди. Мамлакатимиз учун эса мустақиллик тенги йўқ неъматдир.

Янги асрнинг бисмиллоси оналар ва болалар манфаатидан бошланаётгани жуда-жуда хосиятли ва қутлуғ қадам бўляпти.

АСР ЭЗГУЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Гулнора ЙЎЛДОШЕВА

— Бу сессия янги аср остонасида бўлмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилишида партиянинг Олий Мажлисдаги фракция аъзолари мамлакат парламенти IV сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларга ўзларининг нуқтаи назарларини ишлаб чиқишди. Маълумки, якун топаётган йил «Соғлом авлод йили» эди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, бу йил ёш авлод саломатлиги борасида кўп ижобий ишлар қилинди. Шу йўсинда ҳали қилиниши керак бўлган муаммолар ҳам талайгиналиги сезилиб қолди.

Янги аср Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Демакки, ўтган йилнинг узвий давоми бўлиб, мен юқорида айтган муаммолар ўз ечимини топади, эзгу ишлар амалга оширилади. Аср сўнггидаги бу сессия икки аср оралиғидаги эзгулик кўприги бўлиб қолади.

ИФТИХОРГА ТЎЛАМАН

Мамарўзи МАМАЖОНОВ,
Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори

— Биз катта тарихий воқеалар арафасида турибмиз. Зиммамиздаги масъулият шунга яраша. Ҳадемай янги асрга қадам қўямиз. Минг йилликнинг биринчи йили бюджетини тасдиқлашимиз лозим. Зеро, халқимиз ҳаётига дахлдор бу ҳужжат ўта муҳим. Касбимдан келиб чиқиб айтсам, соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағлар ўз вақтида тўлиқ ўтказиб берилишига эътибор янада кучайтирилса.

Бугунги ҳаётимиз ва келажакка дахлдор қонунлар қабул қилинишида қатнашаётганимдан, очиғи, ифтихорга тўламан. Негаки, озод юртимизнинг эртаси янада ёруғ, обод бўлишига ҳисса қўшаётганлар сафидаман. Бу нарса кишига куч беради, тинимсиз изланишга чорлайди. Ўзбек тиббиётининг имкониятлари катта. Жаҳон халқлари бизнинг ютуқларимиздан ҳали кўп бор ҳайратга тушади. Бунга ишончим қатъий.

Одамиға тажриба доя эрур,
Ростлик эр уғлина моя эрур.
Ҳайдар ХОРАЗМИЙ

ПАРОКАНДАЛИК

ЯШАБ ҚОЛАСАНМИ,

Ҳеч кутмаганда жавоб шу бўлди. Раис қабул қилмайди. Ўжарлигим тутди, кута бошладим. Анча ўтиб, ёрдамчи ичкарига таклиф қилди. Ҳайҳотдай хонада фақат бир киши бор экан. Ўктам Қурбонов норозилигини яширмади:

— Обунами? Аммо қарс икки қўлдан чиқади. Ишимиз билан танишганингизга қанча бўлди? Ҳар куни газеталарингизни варақлаб кўраман. Ишлари чаппа кетса-чи дегансиз, обрўйингизни ўйлагансиз.

— Йўқ, бундай эмас, — дейман. — Ишларингиздаги янгиликларни умумлаштириш учун вақт керак эди.

— Яна қанча вақт?..

Ҳа-я, дарвоқе, бунга қанча бўлди ўзи? Икки йилга яқин! Савдонинг эркинлашуви туфайли умрида бу ишни билмаган кишилар ол-сот билан шуғуллана бошлашди. Шаҳарлардаги хусусий дўконлар, супермаркетлар, тижорат бозорлари билан асосан қишлоқ савдосига айланган матлубот тизимлари ўртасида улкан тафовут пайдо бўлди. Бир томонда турфа, кўзни олувчи товарлар, иккинчи томонда эса айрим озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган ғариб дўконлар... Уларни таҳлил қилиш учун вақт керак эди. Нега бундай бўлди?

— Ҳамма иллат бошқарувда, — деган эди Шаҳрисабз туманидаги Мироқи «Матлуботсавдо» жамияти раиси Мустафо Муҳиддинов. — Вилоят «Матлуботсавдо» компанияси бошқарувида тарафбозлик вужудга келди. Бозор шароитида рақобатга бардош бериш, қуйи тизимларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш ўрнига, «ким кимнинг тарафдори» эканлигини аниқлашга тушишди. Бундай шароитдан нимани кутасиз?

Йўлларини ойлаб қор босиб ётадиган тоғ қишлоқлари аҳолисига минг азоб билан маҳсулотни ўз вақтида етказиб бераётган, режаларни муттасил адо этаётган ташкилот раҳбарининг кўнглига алам чўкди. Чидаб бўлмас аҳвол ҳақида Президентимизга хат ёзмоқчи бўлди. Улуғ раҳбаримизга мактуб юборишдан тортиниб, ўзи курашга чоғланди. Ислоҳотлар матлубот жамиятларига етиб келмаётгани, «ҳеч кимнинг тарафдори» эмаслиги, аксинча, ишни, аҳолига яхши хизмат қилиш ҳақидаги ўйларини катта йиғинда баралла айтди. Баайни, ҳақсизликка қарши исён эди бу! Сўзсиз бўйсунишга ўрганган раҳбарият бу саркашдан қутилиш пайига тушди. Ўрнига аллақайси «каттанинг ошнаси»ни қўйишга уринишди. Оддий деҳқоннинг фарзанди, аммо моҳир ташкилотчи Муҳиддиновни бўшатишга туман ҳокимлиги ва жамоа йўл қўймади. Аксинча, ўтган йили одамлар 9 номзод орасидан ишонч билан М. Муҳиддиновни Шаҳрисабз туман ва Қашқадарё вилоят кенгашлари депутатлигига сайлашди...

Сийрати билан сурати ўзга кишилар давр билан ҳамқадам бўлолмайди. Ўзгаришларнинг ҳаётбахш тўлқини ҳар қандай эскича тафаккур ва қаршиликларни синдиришга қодирдир. Таассуфки, вилоят «Матлуботсавдо» тизими бозорнинг қаттиқ талабларига мослаша олмади. Аксинча, ишончсизлик, «қўш-ажрат» авж олди. Қарши туман ва Бешкент шаҳар савдо ташкилоти бир неча бор қўшиб, яна ажратилди. Чироқчи туманида тизим 6-7 тага бўлиниб кетди. Қамаши туман матлубот жамияти билан шу жойдаги база қўшилди, янги раҳбар тайинланди, бироқ орадан кўп ўтмай, яна иккига бўлиб ташланди. Китоб туманида аҳвол бунданда ночор эди. Туман ва шаҳар савдо ташкилоти бир неча бўлакка парчалаб ташланди. Ҳатто, ихтисоси бутунлай бошқа бўлган «Зарафшон» чорвачилик хўжалигига кўпгина савдо дўконлари «инъом» этилди.

Бундай «хашаки ислоҳотлар» оқибати шу бўлдики, кредит, четдан товар келтириш камайди. 1998 йилги режа 80 фоиздан аранг ошди. Бу таназзул, охири кўринмаётган парокандалик эди...

«БЎПТИ, ЭНДИ ИШЛАЙМИЗ!»

Аччиқ ҳақиқат шундаки, Қашқадарёда ҳокимлар алмашиши биланоқ катта-кичик раҳбарлар ўзгара бошлайди. Бу жиддий мавзуга ҳозир теша теккизмоқчи эмасмиз. Ана шу тарзда вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раислигига Ўктам Қурбонов сайланди. 1999 йилнинг январида. Бунгача Муборакдаги жамият (база) раҳбари бўлганди. Очиғи, кўплар ундан бирор-бир «каромат» кутишмаганди. Бироқ адашганлари тезда маълум бўлди. Қирқ бешга қадам қўйган, кўринишидан зарба берадиган ёхуд зарбани қайтарадиган боксчига ўхшаш бу киши ўта шиддатли, қўллари билан бошқарув жиловини маҳкам ушлаганди. Ислоҳотга мойил, янгиликка ўч, тиниб-тинчимас бу раҳбар бутун тизимни янги ўзанга тушириб юборди.

— Қуйи тизим раҳбарларини тез-тез алмаштиришга қаршиман, деганди Ўктам Қурбонов янги иш бошлаган кезларида. — Талабга жавоб беролмаса, марҳамат. Чунки вилоят аҳолисининг асосий қисмига биз хизмат кўрсатамиз. Давр билан бирга юрмасак, эски аравада узоққа бориб бўлмайди. Муштулотлар кўп. Маблағлар ҳар томонга тортқиланган, дўконлар хароба, савдо маданияти унутилган. Ҳисоб-китоб издан чиққан. Мана, сиз Китоб туман савдо ташкилоти ҳисобидан Россиядаги фирмага маҳсулот жўнатилиб, эвазига ҳеч нарса келтирилмаганлигини, бунинг айбдори вилоят бошқаруви эканлигини айтаяпсиз. Бошқа мисоллар кўп. Кооператив коллежда ҳамма вилоятдан келиб ўқишади, таъминоти эса бизнинг зиммамизда. Йўқ, дедик, агар ходим керак бўлса, шартнома тузамиз. Ёки Украинадан шакар келтирилиб, бир қисм пули узилмабди. Шерикларни алдасак, улар билан яна қандай шартнома тузамиз? Энг оғири — кредит масаласи.

Ночорликнинг илдизи топилган эди. Бозор шароитида савдо кредитсиз яшолмасди. Тўғри, айрим ташкилотлар чўзилишди-ю, узилишмади. Жумладан, Касби, «Кўқдала» савдо ташкилоти ҳисобида ўзларининг 60 миллион сўмгача, Қамаши, Чироқчи ташкилотларида 30-35 миллион сўмгача айланма маблағ ҳосил бўлган эди. Зарурият нималарга мажбур қилмайди. Ночор ташкилотлар ходимлардан ўзаро айланма маблағ йиғишди. Ҳатто харидорлардан олдиндан пул йиғиб (асосан ун учун) кейин маҳсулот келтиришди. Банклар-чи? Эзгулик билан тузилган «Савдогарбанк» вилоят ва туман бўлимлари сўм-купон жорий этилган пайтда 250, ҳатто 300 фоиз устама билан кредит бера бошлади. Хоҳласанг ол! Масалан, Китобдаги «Бахт» супермаркети 8-9 миллион сўм кредитнинг фақат устамаси учун 15 миллион сўмдан ошиқ маблағ тўлади. Оқибатда, ўзини ўнгломади. Дастлаб 1000 хил товар билан тўлдирилган савдо маркази ҳувиллаб қолди. Ўктам Қурбонов биринчи навбатда банкларга эътибор қаратди. Мижозга енгиллик бермас экан, бошқа ҳамкор топишга қарор қилишди. Аҳвол яхши томонга ўзгарди. Бироқ янгиликлар қийинчилик билан жорий этиларди.

— Вилоят ҳокимлигининг топшириғи билан ўтган йили Китоб туманига пахтакорлар учун қўшимча 200 тонна ун олиб бордик, — дейди компания раисининг ўринбосари Эргаш Тўлаганов. — Ҳоким мени ҳам, уни ҳам қабул қилмади. Ахир, ёшим улуғ, бир нима сўраб бормаган эдик-ку?!

Ўша пайтда ун етишмас, аҳоли жон бошига 3-3,5 килограммдан тўғри келаётган эди. Раддиянинг сабаби кадрлар борасидаги келишмовчилик эди. Чунки Китоб деҳқон бозорига раҳбар тайинлашда

Бугунги кунда Ғаллаорол туманида 400 дан ортиқ фермерлар фаолият кўрсатмоқда. Фермерларнинг самарали фаолият юритиши учун туманда кенг имкониятлар яратилган. Яқинда улар учун янги замонавий бино — «Фермерлар уйи» фойдаланишга топширилди.

Энди ҳар ойнинг 26 чи кунида прокуратура, банк, солиқ, статистика, ахборот-ҳисоблаш маркази, ҳокимият ҳамда фермерлар фаолияти билан боғлиқ бошқа муассаса мутахассислари «Фермерлар уйи»га тўпланадилар. Фермерлар шу ернинг ўзида барча ҳисоботларини топшириб, фаолиятида дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиб оладилар.

— Ишлашнинг янгича усулида сансалорликка йўл қўйилмайди, асосийси фермерларнинг қимматли вақти тежалади, — дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Ҳидирбой Маматқулов.

■ **Худоёр ҲАМИДОВ**



■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

169,38 ТОННА ТЕМИР НАРХИ 1500 СЎМ?

ёхуд

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ ВА СУДЛАРНИНГ ҚАРИЙБ 8 ЙИЛДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН МУЛКИЙ МОЖАРО ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН АНТИҚА ҚАРОРЛАРИ ХУСУСИДА

«Туппа-тузук ишлаб турган корхонамиз шаҳримиздаги «Иқбол диёр» кичик корхонасининг раҳбари Исмоил Маҳмудовнинг «бурчак темир» (металл уголок) олиб бераман, деган оғзаки ваъдасига ишониб, ёзма шартномасиз 1998 йилнинг 7 январида 4-сонли тўлов топшириқномаси билан унинг корхонаси ҳисоб рақамига 1,5 миллион сўм, 19 январь куни эса Бекободдаги металлургия комбинатига 2 миллион сўм ўтказиб берди. Орадан кўп ўтмай «Иқбол диёр» биз ўтказган 1,5 миллион сўмни ҳам комбинатга ўтказди. Табиийки, комбинат бу пулларга яраша «бурчак темир»ни вагонларга юклаб жўнатди. Бироқ биз «Иқбол диёр» ҳисоб рақамига юз тонна «бурчак металл» учун ўтказган 1,5 миллион сўмимиз учун 64,3 тонна ана шундай металлни олдик холос. Лекин ҳозиргача қолган 35,7 тоннасини ололмай хунобмиз» — «Бобур» кичик корхонасининг раҳбари М. Эшоновнинг сўзларидан.

Энди эса «Иқбол диёр» кичик корхонаси раҳбари Исмоил Маҳмудовнинг Андижон вилоят прокурорига ёзган «тушунтириш хати»га мурожаат қиламиз:

«... 1993 йил январь ойларида «Бобур» кичик корхонасига тегишли вагон бизнинг адресга келиб тушган экан. Биз эгаси йўқлиги учун сотиб юбордик. Сабаби биз ҳам ўша вақтда пул ўтказган эдик. Бундан даромад солиқлари тўланган. Бир вагонни келишиб олдик... Бир вагонни эса айтилган вақтда жойига тушириб берилади. Аввал ҳам бу ҳақда айтилган эди. Лекин оилавий шароитим ёмон аҳволдалиги учун беролмагандим. Мен бир вагон темир қарзимни ҳақиқатдан бўйнимга оламан ва тўлайман. Акс ҳолда мени жавобгарлигим тушунтирилди. Мен агарда қарзимни тўламасам жиноий жавобгарликка тортилишим ҳақида ҳамда мол-мулким мусодара этилиши ҳақида огоҳлантирилдим».

— Ие, — деб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. И. Маҳмудовнинг ўзи тан олиб, «Бобур» кичик корхонасига тегишли вагон бизнинг адресга (номига эмас — М.К.) келиб тушган экан. Биз эгаси йўқлиги учун сотиб юбордик», дейиши ғирт талончилик-ку! Бу талончиликнинг содир этилишига эса аввало ИЧТКБнинг мутасаддилари айбдор. Негаки, улар «Бобур» кичик корхонаси номига келган икки вагон бурчак темирни ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда «Иқбол диёр»га бериб юборишган. Амалдаги қонунларимизга мувофиқ бунинг учун у жавоб бериши, «омонат»ни қайтариб олиб, эгасига топшириши лозим эди. Лекин, минг афсуски, у бутун айбни «Иқбол диёр»га тўнкаб, ўзига гард юқтирмаслик ҳаракатига тушди. И. Маҳмудов эса дастлаб юқоридаги каби ёзма оғзаки ваъдалар қилиб «Бобур» корхонасини алдаб юрди. Кейинроқ эса бутунлай тўнини тескари кийиб олди.

Натижада «Бобур» кичик корхонаси томонидан Андижон шаҳар прокурори, Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғига бирин-кетин аризалар ёзилди. Аризалар узоқ текширилади. Ниҳоят, Исмоилжон Маҳмудов устидан жиноий иш қўзғатилади. Шунда у бундан норози бўлиб Андижон шаҳар прокурорига терговчига отвод бериш ҳақида ариза киритади. Унда Исмоилжон Маҳмудов жумладан шундай дейди:

«...1993 йилнинг тахминан 1-чорагида бизнинг ташкилотнинг адреси бўлган Андижон шаҳар, Гоголь кўчаси, 6-уйга «Бобур» кичик корхонасига тегишли икки вагон металл келиб тушди. Бу металларни «Бобур» кичик корхоналари вакиллари олиб кетишган.

...1993 йилда «Бобур» кичик корхонаси томонидан ўша вақтда менраҳбарлик қилган «Иқбол диёр» кичик корхонасига металл уголок учун 1500000 сўм ўтказилган эди. Ўша вақтда металл бўлмагани учун биз металл бера олмаганмиз. Шунга кўра «Бобур» кичик корхонаси хўжалик судига мурожаат қилиб, пулни ундириб олиши мумкин эди. Бундай ишлар бўйича даъво муддати ўша вақтда бир йил эди. Аксинча, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг 1995 йил 14 март куни бизга даъво хати юборган. Лекин хўжалик судига мурожаат қилган эмас. Бу орада бизнинг кичик корхонамиз ўз фаолиятини тўхтатган. Тўхтатишидан аввал солиқ инспекцияси томонидан текширтирилиб, бошқа ташкилотлар билан олди-бердилар қолмагандан сўнг фаолият тўхтатилган. Бу вақтга келиб, пул алмашганлиги сабабли ўтказилган 1500000 сўм... 1500 сўмга тушиб қолган эди. Терговчи эса бу ҳолатни ҳисобга олмасдан даъво муддати ўтиб кетган бўлса-да, бу масалада «Бобур» кичик корхонасини қувватлаяпти...»

Шаҳар прокурори И. Маҳмудовнинг мазкур аризасини инобатга олди. Яна қанча текшир-текширу аризабозликлардан сўнг, ниҳоят, иш судга кўчди. Андижон шаҳар суди А. Раҳимов раислигида ўтган 1998 йил июль ойининг 1-кунидаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 168-моддаси 1-қисми билан Маҳмудов Исмоилжон Маҳамаджоновични айблаш ҳақидаги жиноят иши бўйича иш юритиш тугатилсин.

Жабрланувчи Ризаев Т. («Бобур» корхонасининг ўша пайтдаги раҳбари — М.К)нинг фойдасига фуқаро Маҳмудов И. М. нинг зараридан 1500 (бир минг беш юз) сўм ундириб берилсин» деб ажрим чиқарди.

Суднинг бу ажримидан «Бобур» кичик корхонаси раҳбари норози бўлиб, назорат тартибида шикоят ёзади. Бироқ вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати ўзининг К. Каримов раислигида бўлиб ўтган мажлисида шаҳар судининг юқоридаги ажримини кучида қолдирди.

Бундоқ дўппини бошдан олиб қўйиб, ишни муҳокама қилган ҳар қандай кишида қуйидаги саволлар юзага келади:

1. «Иқбол диёр» корхонаси раҳбари Исмоилжон Маҳмудовнинг ёзма равишда берган кўргазмалари нега ҳар хил, бири-бирига ўхшамайди. Масалан, бир тушунтириш хатида икки вагон бурчак темирни эгаси йўқлиги учун олиб, сотиб юбордим деса, бошқасида бунинг аксини айтади?

2. Андижондаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари «Бобур» кичик корхонасининг «Иқбол диёр»га ўтказган 1500000 сўми ҳақида фикр юритади-ю, Бекобод металлургия комбинатига ўтказган 2 миллион сўми ва унинг эвазига жўнатилган икки вагон темир бурчак ҳақида лом-мим демайди. Нега?

3. Суд ажримида «Бобур» кичик корхонаси «Иқбол диёр»га ўтказган 1,5 миллион сўми эвазига 64,03 тонна темир бурчак олган бўлишига қарамай, унга 1500 сўм ундириб бериш ҳақида ажрим чиқариши адолатданми?

Шунингдек, бизнингча, суд «Бобур» кичик корхонасининг «Иқбол диёр»га нисбатан даъво аризасини кўришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назоратчи-тафтишчиси М. Ҳамроқулов бошчилигида мазкур иш юзасидан тузилган комиссияси текшириви 1997 йилнинг 5 февраль куни бошланиб, ўша йилнинг 28 август куни якунланган текшириш асосидаги далолатномани ва Андижон вилояти давлат архиви директори М.С.Саидҳўжаевнинг тафтишчи М.Ҳамроқуловга 1997 йилнинг 20 февраль куни жўнатган 12-белгили хатини (бу ҳужжатларнинг ҳар иккисида ҳам масала «Бобур» кичик корхонаси фойдасига ҳал этилган) ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим эди. Исмоилжон Маҳмудовнинг «Иқбол диёр» хусусий корхонаси фаолиятини тугатгандан кейин унга оид ҳужжатларни архивга топширмай тезда ёқиб юборгани бежиз эмасга ўхшайди. Негаки, Андижон вилоят давлат архиви директори Саидҳўжаевнинг 1997 йилнинг 20 февраль куни ёзган 12-белгили хатида таъкидлашича, корхона ёпилган бўлса, унинг раҳбари архив раҳбари номига корхона фаолиятига оид ҳужжатларни қабул қилишни сўраб хат ёзиши, бухгалтерия ҳужжатларини чиқитга чиқариш ҳақидаги далолатномаларида эса вилоят давлат архиви мутахассисларининг имзоси бўлиши керак. Агар шундай қилинмаган бўлса, корхона бухгалтерияси фаолиятига оид ҳужжатларнинг йўқ қилиниши ноқонуний ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, «Иқбол диёр»нинг бухгалтерия ҳужжатларини шошилинч чиқитга чиқариши бутунлай ноқонуний.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: мазкур ишни кўриб чиққан Андижондаги масъул идораларнинг мутасаддилари «Бобур» кичик корхонасининг даъво аризасига нега бунчалик совуққонлик билан қарашди экан? Нега улар даъво аризасининг «Иқбол диёр» ҳисоб рақамига ўтказган 1,5 миллион сўми хусусидагина тўхталиб, Ўзбекистон металлургия комбинатидан келган икки вагон темир бурчакнинг қаёққа ғойиб бўлгани билан етарлича шуғулланишмади?

Қолаверса, суднинг «Иқбол диёр» дан «Бобур» корхонасига 1500 сўм ундириш ҳақидаги қарори ҳам кулгили. Бобур корхонаси «Иқбол диёр» ҳисобига юз тонна металлга деб ўтказган 1,5 миллион сўми учун 64,33 тонна темир бурчак олган, холос. Наҳотки, у бундан қолган 35,7 тонна ва яна ўз номига келган икки вагондаги 134,31 тонна — жами 169,38 тонна темир бурчак учун бор-йўғи 1500 сўм олса?! Ахир, бу пул нари борса 2-3 метр темир бурчак сотиб олишга зўрға етади-ку. Бу мазкур корхона эгаларининг устидан кулиш, уларни калака қилиш эмасми?!

Яна қизиғи шундаки, Андижон вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг мазкур ишга мутасаддили бўлган ходимлари негадир то шу кунгача ҳам «Бобур» корхонаси номига келган 2 вагон темир бурчакни бутунлай бошқа корхонага бериб юборган ИЧТКБ ходимларининг лоақал мушукларини пишт, деб қўймаган. Аслида икки вагонга ортилган 134, 31 тонна темир бурчак омонатга хиёнат қилган шу корхонадан ундириб олиниши лозим эмасмиди?!

■ **Мурод КАЛОНХОН, журналист**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЯНГИЛИК?

тортишув кетаётган эди. Бинобарин, Ўктам Қурбоновнинг иродасини синдириб бўлмас, ўз фикрлари ва катта режаларни амалга ошира бошлаганди. Курашлар натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар салмоғи буни исботлаб турарди.

Олайлик, тижоратчилар миллионлаб, балки миллиардлаб маблағларни ўзлари тўплаб, ўзлари айлантиришса, матлуботчилар миллий валютани мустаҳкамлаш, пул эмиссиясини камайтиришга хизмат қилишди. Ўсиш суръатларини кузатайлик-чи. Тўқсон саккизинчи йил режалар аро йўлда қолган эди. 1999 йилнинг олти ойида режадаги 2 миллиард 254 миллион сўм ўрнига 3 миллиард 915 миллион сўм нақд пул банкларга топширилди. Тўққиз ойда режадагидан 2 миллиард сўм кўп пул ишлаб топилди. Йиллик ҳам шундай. 2000 йилнинг 9 ойида белгиланганидан 200 миллион сўм кўп нақд пул кирим қилинди. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам товар сотиш режалари ошиғи билан уддаланди. Энди ҳеч ким Ўктам Қурбонов ҳақида тил учида гапиролмас, у вилоятда энг ташкилотчи ва қатъиятли раҳбар сифатида обрў қозонганди.

БУЗИШМИ ЁХУД ТУЗИШ?

Биз бемисл ўзгаришлар ва яратишларнинг гувоҳимиз. Шу маънода Қашқадарё вилоят кенгашининг Президентимиз нутқ сўзлаган ва янги ҳоким тайинланган сессияси ўтган кун тарихий воқеадир. Негаки, катта ишлар қилинаётганига қарамай, улкан имкониятларга эга воҳада ислоҳотлар суст кетаяпти. Ташаббус ва изланиш сезилмайди. «Бу аҳволни қандай қилиб тузатиш мумкин? Келажакда қандай ишлаш керак?» деган саволларни қўйган Юртбошимиз теран мулоҳазаларини баён қилдилар. Вилоят кенгашининг депутати сифатида сессияда қатнашиб, Юртбошимизни тинглар эканман, орқага тортадиган барча иллатларни иткитиб ташлаш, фикрлаб ишлайдиганларга кенг йўл очиш керак, деган ўй хаёлимда чарх урарди.

Янги ҳоким вазифаларни шундай қатъий қўя бошладики, оз муддат саросималик ҳам юз берди. Ҳайдалаётган ерлар, фойдаланилаётган сув ҳам ўлчана бошланди. Чекка қишлоқлардаги аҳвол ўрганилди. Қатъий талаб шу: ишлолмаганлар янги кучларга ўрнини бўшатсин! Ўзгаришлар тўлқини савдога ҳам етиб келди. 22 сентябрда вилоят ҳокимининг «Аҳолига савдо хизматини яхшилаш, савдо тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш ва рақобат бозорини шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Сал ўтмай бозорлар яна мустақил ташкилот сифатида ажраб чиқди.

Қарорда «Матлуботсавдо» ва «Қашқадарёсавдо» компанияларининг таркибига кирувчи савдо корхоналари шохобчаларини хусусийлаштириш ва ташкилий тузилмаларини ўзгартириш бўйича таклифлари маъқулланган. Шу билан бирга мажбурий озиқ-овқат товарлари етказиб бериш борасида аҳолини ҳисобга олиш, таъминотни яхшилаш юзасидан доимий мониторинг ўтказиш туман ва шаҳар ҳокимликлари, фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, статистика бўлимлари зиммасига юклатилди.

Айтишларича, бу ташаббус ҳам Ўктам Қурбоновдан чиққан. Бунда ҳам жон бор. Олдинги йили давлат томонидан ажратилаётган ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бир нечта ҳиссадорлик ташкилотлари (эски базалар) томонидан тарқатила бошланди. Шу йилнинг бошида ўтган вилоят фаоллар йиғилишида норозилик келиб чиққани танқид қилиниб, маҳсулотлар, асосан ун яна дон тайёрлаш идоралари ва корхоналардан бериладиган бўлганди. Бунинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Савдо эркинлаштирилиб, матлубот ташкилотлари ихтиёридаги кўплаб дўконлар хусусийлаштирилган кезларда, ҳамма ҳам ҳисоб очиб, бозор шароитида ишлаб кетолмади. Хусусан, қишлоқлардаги дўконлар. Ахир, «Матлуботсавдо» дегани том маънода ҳам қишлоқ савдоси эдида! Ана шу 1000 дан ошиқ дўконлар яна қайта ҳиссадорлик жамиятлари атрофига бирлашди. 90-95 фоиз пул тушуми ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари сотишдан келаётган эди. Эндиликда бу тизим батамом бузилди, хусусий дўконлар алоҳида фирмаларга айлантирилиб, ҳисоб рақамлари очилди. Аҳоли жон бошига ажратилаётган 5 килограммдан ун ва бошқа озиқ-овқат 5 та туманлараро ҳиссадорлик жамиятлари (базалар) ихтиёрига ўтди. Олтинчиси — «Матлуботсавдо» компанияси қошидаги савдо бошқармаси. Улар шартнома асосида фирмаларга (ҳозир 600 дан ошди) маҳсулот етказиб беришмоқда.

— Биз бир неча тумандаги хусусий фирмалар билан ишлаймиз, — дейди Шаҳрисабздаги «Улгуржи савдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳром Раҳматов. — Айни пайтда Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз туманларининг тоғли қишлоқларига олдиндан маҳсулот чиқаздик. Масалан, «Сарчашма» фирмаси орқали 152 тонна, «Меҳрибонлик» фирмаси орқали 118 тонна, «Мироқи» фирмаси орқали 25 тонна ун етказиб бердик. Китоб туманининг Қавзахона, Жовуз, Аспидухтар, Мотмон, Дюшқон ва бошқа тоғли қишлоқлари аҳолиси ҳам олдиндан бир неча ойга етарли маҳсулотлар билан таъминланди.

«Вилоят ҳокимининг қарори тўғри, чунки амалда дўконларда мажбурий озиқ-овқат маҳсулотларидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди», — дейди Қамаши тумани ҳокими Шомурод Сатторов. «Туман савдо ташкилоти энди нима қилади дейсизми? Ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳозир ҳам цехда тайёрланган 140 тонна помидор ҳалими бор», дея муносабатини билдирди Касби туман ҳокими Номоз Сариқов. Бундай гаплар хилма-хил.

Бу ишнинг ташаббускорларидан бўлган Ўктам Қурбоновнинг фикри бўлак — ислоҳот ва ҳаёт талаби шундай, деб ҳисоблайди. Ҳиссадорлик жамиятлари ҳисобидаги дўконларни мустақил қилиб чиқариб юбориш, қолганларини сота бошлаш, пул тушуми манбаи бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини хусусий фирмалар ихтиёрига бериш — бутун матлубот тизимини бошқа ўзанга солиб юбориш эканлигини у яхши тушунади, албатта. Эндиликда банкда алоҳида ҳисобга эга 1398 та хусусий савдо шохобчалари билан ишлаш кўзда тутилмоқда. Улар орасида компаниянинг 25 фоиз акциясига эга бўлган ва бўлмаган хусусий дўконлар мавжуд. Бундан кейин жами 7290 киши ишлаши мўлжалланаётган компания ихтиёрида ҳали катта имкониятлар — очиқ савдо ҳиссадорлик жамиятлари, 9 та универмаг, 11 та умумий овқатланиш, тери тайёрлаш ва ошлаш корхоналари, 15 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ташкилоти, бир кеча-кундузда 112 тонна нон ишлаб чиқарувчи 11 та завод ва бошқа ўнлаб ташкилотлар, транспорт идораси бор. Булар ҳам тўла хусусийлашиб кетадими ёки рақобат бозорида фаолият кўрсатадими? Бунга ҳали бор чоғи. Ўктам Қурбонов эса яна янги ташаббус билан чиқди — 5 минг гектар лалми ерга дон эктирди. Айнан 4-5 та хўжалик маҳсулотини берадиган бу тадбир «Матлуботсавдо»да янги тармоқ — деҳқончиликни бошлаб бермоқда...

Шу жойда баралла айтамизки, эркин савдо мамлакат қудрати, ўзга юртлар билан тенгсиз ҳамкорлик воситасидир. Мустақиллик туфайли савдо миллионлаб кишилар юмуши ва тирикчилик воситасига айланди. Шулар орасида қишлоқ савдоси ҳисобланаётган матлубот кооперацияси қандай кўриниш олади? Рақобатга бардош берадими? Қашқадарёда бошланган ўзгаришлар тўлқини бошқа жойларга ҳам ёйиладими? Энди булар келажакка, ҳеч бўлмаганда яқин кунларга дахлдор. Шундай экан, ушбу саволни яна қўйишга ҳақлимиз: яшаб қоласанми, янгилик?..

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АМЕРИКАЛИКЛАР ҲАЙРАТДА ҚОЛИШДИ

Вашингтонда ўзбекистонлик рассом Вячеслав Усейнов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Фарғоналик В. Усейнов асарларида тарихий ёдгорликлар ва нақшлар, шунингдек, халқимизнинг одат ва анъаналари акс эттирилган. Шу билан бирга унинг ижодида Бобруйск рассомчилик билим юртида ўқиб юрган кезларидан қолган ғарб модернистик оқимларининг таъсири сезилиб туради. Рассом ижодида бу икки манбанинг қўшилиб кетиши унинг асарларига ажойиб хусусият бағишлайди. Бу эса америкалик санъат шайдоларида катта қизиқиш уйғотди.

ЯНА БИР ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Янги юз йиллик бўсағасида Японияниг Ота шаҳрида «Ота — Тошкент» Дўстлик ассоциациясининг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Японияниг таниқли жамоат ва сиёсий арбоблари, шаҳар ассамблеясининг депутатлари, хусусий тадбиркорлар вакиллари мазкур янги уюшманинг ташаббускорлари бўлишди.

Йиғилишда шаҳар ҳокими Т. Шимизу сўзга чиқиб, «Бугунги кунда Япония аҳолиси мустақил Ўзбекистонни кўҳна Буюк ипак йўли анъаналари заминидаги қадим асосга, яъни дунёнинг турли эллари ва халқлари ўртасида ҳамиша дўстлик ва тинчлик устувор бўлмоғи лозим, деган ғояга содиқ мамлакат сифатида яхши билади» деди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, Дўстлик ассоциацияси раислигига таниқли япон ишбилармони Т.Сатр сайланди. У Ота шаҳридаги «Тошкент» ресторанининг соҳибидир.

■ **«Жаҳон» АА**

XORIJDA



АСЕАН — ЕВРОПА МАЖЛИСИ

Вьетнамда АСЕАН — Европа мажлиси бошланди. Унда йиғирма бешдан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда. Мажлисда Осиё ва Европа қитъаси давлатларининг ушбу тузилма доирасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, тадбирда минтақавий хавфсизлик масалаларига ҳам эътибор қаратилади.

ДАСТУР ЧЎЗИЛИШИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Ироқ ҳукумати «нефть эвазига озиқ-овқат» дастурининг яна ярим йилга чўзилишини расман маъқуллади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад ас-Саҳҳоф БМТ Бош котиби Кофи Аннанга юборган мактубида шуни маълум қилди. Мазкур дастурнинг бу галги босқичида Ироққа озиқ-овқат ва дори-дармондан ташқари, электр таъмирлаш ва қурилиш жиҳозларини ҳам келтириш кўзда тутилган.

ДЕПУТАТЛАР СОНИ ЎНТАГА ОРТДИ

Миср Президенти Ҳусний Муборак мамлакат парламенти депутатлари сонини яна ўнтага кўпайтирди. 18 октябрдан 14 ноябрга қадар ўтган парламент сайлови Миллий йиғинга 444 нафар янги депутатни аниқлаб берганди. Президент улар сафини яна ўнтага ошириш ҳуқуқига эга. Ҳ.Муборак томонидан тайинланган ўн депутатнинг тўрт нафари насроний, тўрт нафари эса аёлдир.

«ҚОРА ОЛТИН»НИНГ НАРХИ ОШДИ

Халқаро нефть биржасида «қора олтин» нархи 46 центга ошиб, 27,14 АҚШ долларига кўтарилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга Ироқ ҳукуматининг «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида жаҳон бозорига чиқараётган нефть баҳосини 40 центга ошириш ҳақидаги баёноти сабаб бўлган.

ОЗОДЛИККА ЧИҚДИ

Сурияда ливанлик 54 нафар сиёсий маҳбус озодликка чиқди. Уларнинг 48 нафари Ливан ва олтитаси Фаластин фуқароларидир. Хабарларга қараганда, Ливан бош прокурори Аднан Аддумнинг Дамашққа қилган ташрифи вақтида томонлар сиёсий маҳбусларни озод қилиш борасида келишувга эришган.

ЧЕГАРАДА ҲИБСГА ОЛИНДИ



Россиянинг тўрт нафар фуқароси Польша чегарасида ҳибсга олинди. Мамлакат прокуратурасининг хабар беришича, улар Польшага портловчи модда ва қурол-яроғ олиб кирмоқчи бўлган. Польша — Германия чегарасида ушланган «Вольво» машинасидан 2 килограмм портловчи модда топилди. Польша қонунларига кўра, жиноятчилар кўпи билан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилади.

ХИТОЙГА... ҚАРЗ

Осиё тараққиёт банки Хитойга 130 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратди. Банк вакилининг айтишича, бу маблағ мамлакатнинг Тянцзин шаҳридаги сув заҳираларини тозалаш ва муҳофаза этиш дастури ижросига сарфланади.

ЁҒИНГАРЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА

Сўнгги кунларда кучли ёғингарчилик туфайли Мисрда автомобиль ҳалокатлари кўпаймоқда. Хабарларга кўра, кейинги ҳафта ичида рўй берган ҳалокатларда 9 киши қурбон бўлган, 19 киши эса шифохонага ётқизилган. Маҳаллий мутахассисларнинг айтишича, кучли ёғингарчилик асоратлари яқин кунларда Қоҳирага ҳам кўчиши мумкин.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани уй-жойлардан фойдаланиш ва хусусийлаштириш бошқармаси томонидан Исомуҳамедова Муҳайё Туробовна номига берилган 05-02/12422 рақамли далолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ЎЗДЭУАВТО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг барча транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ва компаниялари, фуқаролари учун тендер ўтказилишини эълон қилади ҳамда бу тадбирда уларни қатнашувга ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тендер мавзуси «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан Ўзбекистон Республикаси, МДҲ ҳудудларида автомобиллар, контейнерлар ва бошқа юкларни темир йўлларда ташиш бўйича транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш юзасидан шартномалар тузишдир. Аризалар тақдим этиш муддати: 2000 йил 20 декабргача.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН:
67-33-65, факс: 120-65-80.

МАНЗИЛ:
700007, Тошкент шаҳри, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 30-уй, 103-хона, Логистика бўлими.

УСТОЗИ АВВАЛЛАР

УЛУҒЛАРГА ХОС АНДИША

Маликул калом, мавлонаи аъзам Лутфийнинг ёш Алишер ашъорига берган баҳолари ҳануз мени ҳайратга солар эди. Шундай улуғ зот ортиқча муболаға қилиб юбормаганмикинлар, деган андиша дилимдан сира нари кетмасди. Уч-тўрт йил бўлди, бу гапнинг моҳиятини ўқиб, кўнглим таскин топди.

«Оразин ёпқоч, кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш»

байтини Лутфий ҳазратлари ўша замонда Алишердан эшитиб: «Ёраб, агар мумкин бўлса эди — турк назмида битган ўн минг байтимни шу биргина байтга алиштирган бўлур эдим», деб юборганлар.

Баҳо жўрттага шундай муболаға билан берилган бўлиши мумкин. Зеро, буюк инсонларгина шундай гапларни айтишгача беҳад тантилик қила оладилар.

Улуғ зот бу гап билан қадрини ростлаб келаётган истеъдодли шоирга қанот бағишлаб, яъни янги-янги парвозларга отлантирганлар.

Бизнинг замонамизда ҳам шунга ўхшаш бир манзаранинг гувоҳи бўлдим.

Таниқли кинорежиссёр Элдар Рязанов Европада бўлиб ўтган бир кўрикда ғолиб келган ёш телережиссёр Эрнест билан телевидениеда куйиб-пишиб, бошини хам қилиб суҳбат ўтказарди. Шу суҳбат асносида ёш режиссёрни халққа танитиш билан бирга уни ардоқлаб янги-янги зафарларга даъват этмоқчи эди, албатта. Аммо телережиссёри тушмагур кеккайганнамо ўлтириб, оёғини чалиштирган ҳолда сигарета ҳам тутатиб юборса бўладими!

Маълумки, Рязанов «Карнавал кечаси» фильми билан донг таратганди. Бу фильмда артист Игорь Ильинский бош ролда қатнашганди. Бошқа бир телевизион учрашувда Рязанов айтганди:

«Фильмимда Ильинскийдек улкан артист қатнашишидан кўп ҳаяжонда эдим. У кишига режиссёр сифатида қандай қилиб ўгит беришим, йўл-йўриқ кўрсатишим мумкин, ахир? Ҳолбуки, ул зот мен билан биринчи мулоқотдаёқ: «Қани айтинг йигит, нималар қилишим керак, буюринг!» деб сомеъ̆лик билан кўзимга тикилиб туравердилар... Мен эса ўзимни йўқотиб қўйиш даражасига бордим».

Менимча, Ильинский ҳам шундай хатти-ҳаракатлари билан Рязановга қанот бағишлаган ва дарҳақиқат кейинчалик бундайин хулқи-табиатнинг кутилган самараларини кўрдик.

Устози комил Абдулла Қаҳҳорни олайлик. Ул зоти шариф ўз китобларига ёшларнинг ёзганларидан сарномалар қўйиб, уларнинг руҳларини кўкларга кўтариб, янги-янги юксак асарлар битишга рағбатлантирмаганми эдилар?!

■ **Шарофиддин КЎНЧИ**

ЖАҲОН ФУТБОЛИ ЮЛДУЗЛАРИ

«ЗЗ» НИ БИЛАСИЗМИ?

«ЗЗ» ни биласизми? Ҳа, бугун «ЗЗ»ни бутун дунё билади. Зайниддин Зидан, дунё футболининг энг порлаган бугунги юлдузи. Дунё футболи ишқибозлари тугул, оддий одамлар ҳам унинг мухлисига айланди.

Тўғри, бу гап янгиликмас, лекин шу голни унутиб бўладими? Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Футбол юлдузининг сон-саноқсиз мухлисларию машҳурлиги ўз йўлига.

Биласизми, жаҳон футболининг ҳам ўзига хос бозори бор. Масалан, Зидан майкасининг нархини олайлик. Бу француз терма жамоаси ярим ҳимоячисининг майкаси — 70 доллар туради. Ўша «10» рақамли майкаси. «Нима, ўзи ялангоч қолибдими ё бошқа рақамда ўйнайдими?» деган ўйга борманг. У ўзининг машҳур «10» рақамини ўзгартирмаган, гап жаҳон футбол бозорида сотилаётган «10» рақами туширилган, юлдузнинг суврати тасвирланган маҳсулотлар ҳақида кетяпти. Билсак агар, «юлдузлар» фақат тўп сурмайди. Бизнес ҳам қилади. Мана, бу йил Зиданнинг клуби юлдузнинг машҳур «10» рақамли майкасини жинси матолардан «ЗЗ» ёрлиғи остида кўплаб ишлаб чиқарди. «ЗЗ» брелоклари, спорт сумкалари, бош кийимлари харидоргир маҳсулотга айланди. Ҳатто, шу номда спорт пойабзаллари ҳам сотиляпти. Дарвоқе, бу бозордан тушадиган фойданинг 14 фоизи юлдузнинг кармонига тушади.

Яқинда дунёга машҳур «Адидас» спорт анжомлари ишлаб чиқарадиган фирма ҳам бу спорт юлдузи билан 6 йилга шартнома тузди. Энди «адидас» чилар ҳам «ЗЗ»ни реклама қилади. «ЗЗ» қалпоқлар, кўйлаклар, теннис ракеткаси, хуллас, спортчига не керакки, ушбу тамға билан ишлаб чиқарилади.

Бундан икки йилча бурун испан журнали «Ола» Зайниддин Зиданнинг тўп сураётган суратини муқовасида чоп этиб, миллионлаб франк фойда кўрганди. Яна бир хориж журналида унинг оиласи ҳақидаги мақолани ўқиш учун нашрни ўзим ҳам «каттакон» пулга сотиб олгандим. Ўша мақоладан юлдузнинг рафиқаси Вероника, икки нафар ўғли ҳақида билиб олгандим.

«Юлдузлар»! Сўзсиз, улар ўзларининг беназир истеъдодлари билан миллионлаб мухлисларига олам-олам завқ улашади, қанча-қанча «уддабурон ишбилармонлар»га туганмас даромад манбаи, қанча «миш-миш»чиларга «иш» беради. Хуллас, «юлдуз»нинг турган-битгани фойда.

Яна бир гап: яқинда Зайниддин Зидан «йил футболчиси» деган юксак эътирофга сазовор бўлди.

■ **Саида САЙХУН**

ЭСПЕРАНТО ТИЛИ

Улкан глобаллашув ва халқлар орасидаги алоқалар кучайгандан кейин инсоният олдида умумий сўзлашув воситаси — ягона тилга эҳтиёж сезилди. Яна унинг вазифаси ҳам бор эди: халқаро, давлатлараро алоқаларни янада кенгайтириш зарур.

Жаҳоннинг буюк олимлари йиғилиб, 1887 йилда халқлар муомала учун ёрдамчи тил лойиҳаси сифатида эсперанто сунъий тилини яратдилар.

Эсперанто бутун жаҳон тилларининг қулай, осон жиҳатларини олиб, энг содда тил кўринишида яратилган. Унинг алифбосида 28 та ҳарф бўлиб, лотин алифбосига яқин. Эсперанто ҳам барча тиллар сингари мукаммал бўлмаса-да, у халқаро тенг ҳуқуқли муомала соҳасида барча рақибларидан устун туради.

Ҳар бир миллий тил маълум бир маданият ва халққа тегишлидир. Масалан, француз тилини ўрганувчилар фақат франкофан давлатларнинг, хусусан, Франциянинг тарихи, маданияти, жўғрофияси ва сиёсати ҳақида билим оладилар. Эсперанто тилини ўрганувчилар эса дунёни чегарасиз, бутунлигича ўрганадилар. Эсперанто тилидан инсоният келгусида фойдаланадимийўқми — буни келажак кўрсатади.

■ **Дониёр РЎЗМЕТОВ, талаба**

UZBEKISTAN airways

2001 ЙИЛ

ТОШКЕНТ — ОСАКА

ЯНГИ ХАЛҚАРО АВИАЙЎНАЛИШИ

2001 йилнинг баҳорида ТОШКЕНТ — ОСАКА янги авиайўналишининг очилиши Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин намунасидир. Қатнов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан замонавий ва қулай «Боинг-757» ҳаво кемасида жума кунлари амалга оширилади.
Тошкентдан учиш вақти — 17.35.
Эндиликда Ўзбекистон маданияти билан қизиқаётган минглаб японлар Ўзбекистон пойтахти Тошкентга, шунингдек, Буюк ипак йўлининг жаҳонга машҳур шаҳар-обидалари — Бухоро, Самарқанд, Хивага саёҳат қила оладилар.
Янги йўналиш ўзбекистонликлар учун ҳам жозибалидир. Зеро, улар Япония олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар, спорт мусобақаларига, кўргазмаларга, ярмаркаларга, фестивалларга бормоқдалар ҳамда сиёсат, туризм ва тадбиркорлик соҳасида Ўзбекистон ва Япония муносабатларини фаол ривожлантирмоқдалар.
Кунчиқар мамлакатидан келган меҳмонлар учун янги авиайўналиш Тошкентдан Европага ва МДҲга қатновлар билан қулай боғланишни ҳам кўзда тутади.
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»да Японияга бориб келишни режалаштиринг!
Сайёҳлик фирмалари ва тижорат ташкилотлари учун авиачипталарга чегирмалар кўзда тутилган.

Қўшимча маълумотларни Ҳаво алоқалари бош агентлигидан олиш мумкин: У. Носир кўчаси, 9. Тел.: 56-38-37.



СЎЗСИЗ СУРАТ

ЦИРК. ЦИРК. ЦИРК.

Тошкент давлат цирки ва «Туфин» К.К.
2000 йил 8 декабрдан 2001 йил 10 январгача
«ЦИРКДА АРЧА»
САНТА КЛАУСНИНГ
Янги йил сайёҳатини
кутишасини кўрсатади.
Туфин К.К. болаларга 10 дан тарқатади.
Томошалар соат 10.00, 14 ва 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассасида ва туман кассаларида сотилмоқда.
Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан жамоа бўлиб келувчи томошабинларга қулай шароитлар яратилади.
Тел.: 144-29-04, 144-35-31, 144-35-33.

«АЙЛАНМА» ЎЙЛАНМАСИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1. Одамнинг меваси. 2. Бутуннинг қисмини ифодаловчи микдор. 3. Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати маркази бўлган шаҳар. 4. Йирик матбаа корхонаси. 5. Ҳикматдан: ... билганни, пари билмас. 6. Матбуот нашри саҳифаларидаги туркум сарлавҳа. 7. Ҳарбий қисм. 8. Сувни зарарсизлантириш хусусиятига эга бўлган газ модда. 9. Муқаддас даргоҳ. 10. Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлат. 11. Француз ёзувчиси, «Париж» романи муаллифи. 12. Эстрада гуруҳи. 13. Автомобилнинг бўлаклари ўрнатиладиган қисм. 14. Ижод маҳсули. 15. Экинзор маскан. 16. Шеърий вазн. 17. Келишув, тотувлик аҳдномаси. 18. Дунё океани. 19. Бир мақсад билан уюшган кишилар гуруҳи. 20. «Гапдон» парранда. 21. Субҳидам пайт. 22. Сўзлашув жараёнидаги тил. 23. Насиҳат гап. 24. Ҳиндистондаги дарё. 25. Икки шохчали таёқ. 26. Бир йилда икки марта гуллаб, икки марта ҳосил берадиган сариқ гулли шифобахш гиёҳ. 27. Кичкинтойлар маскани. 28. Механик зина. 29. Миср пул бирлиги. 30. Узоқ Шарқдаги шаҳар. 31. Жанубий Америкадаги мамлакат. 32. Билимдон киши. 33. Тикув машинаси ғалтаги. 34. Қадимда арифметик амалларни ҳисоблашда фойдаланилган асбоб.

МУАММОНОМА: Шаклнинг ички қаторларидаги айланалардаги ҳарфларда Абдулқодир Нурий ал-Барзанжийнинг «Муқтатафоти адабиийа» («Одобга оид термалар») асаридаги ҳикматлардан бири яширинган. Уни аввал бош ҳарфни топиб чизиқлар йўналиши бўйича ўқиш билан билиб олинг.

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди**

«Н» ҲАРФЛИ ЎЙЛАНМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: *5. Нейлон. 6. «Наштар». 9. Нигер. 11. «Насаф». 12. Новгарзон. 15. Наҳшаб. 18. Нутрия. 19. Низомий. 20. Нарвон. 21. Ниамей. 24. Никотин. 26. Нитрон. 27. Номзод. 31. Никарагуа. 33. Нажот. 34. Нодон. 35. Нобель. 36. Нокаут.*

БЎЙИГА: *1. Ненец. 2. Нордон. 3. Наққош. 4. Наган. 7. Нитрат. 8. Навоий. 10. Наркоз. 13. Нафтандоз. 14. Нурпеисов. 16. Никосия. 17. Никитин. 22. Нодира. 23. «Ниссан». 25. Новвот. 28. Никель. 29. Нурхон. 30. Намоз. 32. Номус.*



ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Икромжон ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 20.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА